

## 2010-2-сон

**Судланувчининг зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан одам ўлдирганликдаги ҳаракатлари ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш билан нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 21 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2009 йил 20 июлдаги ҳукмига асосан А. турмуш ўртоғи Т. билан бирга 2009 йил 8 апрель куни, соат 16 ларда, уйининг ёнида бўлган томорқасига сув қуйиш вақтида қўшнилари ака-ука Х.лар билан ер масаласида олдиндан бўлган келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолишган.

Жанжал вақтида Х. ҳовлида бўлган калтак билан Т.ни бир неча марта урган. А. турмуш ўртоғининг қўлида бўлган, 2008 йилда туғилган, вояга етмаган фарзанди А.ни олиб ошхонага кириб кетган пайтда Х. А.нинг орқасидан ошхонага кириб, жанжални давом эттириб, А.нинг қулоқ соҳасига қўли билан урган. Шунда А. Х.ни қасддан ўлдириш мақсадида ошхонадаги стол устида турган пичоқни олиб, Х.нинг кўкрак қафасининг чап томони олдинги қўлтиқ чизиғига, қорнининг эпигастрал соҳасига, кўкрак қафаси чап томони ўрта чизиғига бир неча марта уриб, қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилиб, ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг 5-бандида судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузчи қайтариш

имкониятлари, шунингдек, хужум ва ҳимояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларини (хужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарурлиги кўрсатилган.

Бироқ, суд ишни кўришда юқорида қайд этилган Олий суд Пленумининг тушунтиришларига амал қилмаган.

А. дастлабки тергов даврида ва судда, 2009 йил 7 апрель куни ишга кетганлиги, турмуш ўртоғи унга кўнғироқ қилиб, ака-ука Х.лар уларнинг уйига келиб, у билан жанжаллашганлигини, Х. уни сўкиб, ҳақорат қилиб белкурак билан елка соҳасига урганлигини айтганлиги, шу куни кечаси фуқаролар йиғини раисига мурожаат қилиб, ёрдам беришни сўраганлиги, 2009 йил 8 апрель куни Х. турмуш ўртоғи Т.ни белкурак билан уриб, ерга йиқитганлиги сабабли, турмуш ўртоғининг қўлидаги фарзандига бирон нарса бўлиб қолмаслиги учун уни олиб, ошхонага кириб кетганлиги, Х. орқасидан кириб уни бир неча маротаба уриб, шу ердаги стол устига йиқитганлиги, ўзини ҳимоя қилиш ҳамда Х. вояга етмаган фарзандларини ҳам уриши мумкинлигини уйлаб, стол устида турган пичокни кўриб, уни олиб Х.ни баданига бир неча марта урганлиги, Х.ни ўлдиришга қасди бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Суд ака-ука Х.ларнинг А. ва Т.га нисбатан хужум қилиб, уларга тан жароҳати етказганлиги, Х.ларнинг ҳар иккаласи ҳам А.га нисбатан баққуват эканлиги, А. унинг турмуш ўртоғини ураётганлигини кўриб, вояга етмаган фарзандини турмуш ўртоғининг қўлидан олиб, ҳимоялаш мақсадида ўзининг уйига кириб кетган бўлса-да, Х. унинг орқасидан кириб, хужумни давом эттирганлиги, шу хонада иккинчи ўғли ҳам бўлиб, иккита фарзандларига ҳамда ўзига нисбатан Х. томонидан хужум бўлиши мумкинлигидан кўрқиб, шу ердаги пичоқ билан Х.ни урганлиги ҳолатларига юридик баҳо бермаган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, А. иккита фарзандларига ҳамда ўзига нисбатан Х. томонидан хужум бўлиши мумкинлигидан қўрқиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, Х.ни қасддан ўлдирган.

Суд А.нинг ака-ука Х.лар билан ўртасида бошланган уруш-жанжал натижасида Х.ни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдирган деб нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2010 йил 11 мартда А.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, А.нинг ҳаракатини ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» бандидан шу Кодекснинг 100-моддасига қайта квалификация қилиб, шу модда билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаб, А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 2-банди тадбиқ этиб уни жазодан озод қилди.

***ЖСҲ-01-10 назорат иши***